

**Муборак Рамазон ойининг качон кириши эълон килинди**

Бугун, 11 май куни Ўзбекистон мусулмонлар идораси мажлислар залида юртимизга Рамазон ойи кириб келиши ва уни тартибли ўтказиш бўйича матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда Дин ишлари бўйича кўмита раиси ўринбосари Нуримон Абулхасан, ЎМИ раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур, имом-хатиблар, журналистлар ва диний таълим муассасалари ходимлари иштирок этдилар.
Анжуманда Шайх Абдулазиз Мансур томонидан Рамазон ойининг 1-куни 17 май кунига тўгри келиши эълон килинди.
Эслатиб ўтамиз, таквим нашрларида Рамазон ойи 16 май куни бошланиши кўрсатилган эди. Шу билан бирга ойининг чикиши таквимда кўрсатилган кундан 1 кунга фарк килиши мумкинлиги хам баён килинган эди.
Таькидлаймизки, 16 май куни масжидларимизда хатми Куръон бошланади.